

## ИБН СИНОНИНГ ФАЛСАФИЙ АСАРЛАРИДА ИНСОН КАМОЛОТИ

Юлдашева Л.С.

Тошкент Давлат стоматология институти доценти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада буюк Шарқ мутафаккири Абу Али ибн Синонинг нодир асарларида инсон камолоти, маданияти ва фалсафий мулоҳазасини юксалтириши каби масалалари ёритилган. Бугунги кундаги таълим соҳасидаги ислоҳатлар аждодларимиз ижодини ҳар томонлама чуқур изланишиларга даъват этиб, миллий маънавий қадрияларимиз салмогини юксалтирумокда. Жумладан, Абу Али ибн Сино фалсафий мероси кўпқиррали бўлиб, уларни ўзаро қиёсий ўрганиш фуқаролик жамияти асослари яратилаётган ҳозирги тарихий босқичларда муҳим аҳамият касб этади.

**Калим сўзлари:** дунёқарашиборлиқ, Ишқ рисоласи, гўзаллик, хунуклик, бағрикенглик, тана, рух, руҳий камолот, маънавий юксалиши.

### ABSTRACT

*In this article, the great Oriental thinker Abu Ali Ibn Sina's rare works highlight the issues of human perfection, culture and raising philosophical reasoning. Today's reforms in the field of education encourage deep research into the creativity of our ancestors and raise the weight of our national spiritual values. In particular, the philosophical heritage of Abu Ali ibn Sina is multifaceted, and their comparative study is of great importance at the current historical stages when the foundations of civil society are being created.*

**Key words:** worldview, existence, love treatise, beauty, ugliness, tolerance, body, spirit, spiritual maturity, spiritual growth.

### КИРИШ

Жадал равишда олиб борилаётган ислоҳатлар таълим соҳасида ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг маърузаларида, буюк аждодаларимизнинг илмий -маънавий меросини ўрганиш ҳам қарз ҳам фарздир. Ёшларимизни аждодларимизга муносиб баркамол авлод қилиб тарбиялаш бизларнинг энг улуғ вазифаларимиздан ҳисобланади, деб таъкидлаган. ...агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, жони ва руҳи маънавиятдир"<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ш.М.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.Ўзбекистон 1-жилд. 2017

“Шифо-ар раис” номи билан машхур бўлган Ислом оламининг машхур мутафаккири, файласуфи ва қомусий алломаси Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти бугунги ёш авлода алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғуларини уйготади. Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти аввало тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт, тилшунослик соҳаларига бағишлиланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон ва бошқа қўплаб Ғарб файласуф-олимлари унинг асарларини ўқиб, ҳайратга тушганлар.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Унинг фалсафий дунёкараши, борлиқ, билиш, қадрият ҳақидаги илмий билиши, инсон рухи, табиати, характеристи, мижозлар ҳақидаги тиббий қарашлари умумбашарий ахамият касб этади. Аллома ижодига, унинг яратган беназир фалсафий мазмундаги асарларининг тадқиқи мамлакатимизда, бевосита миллий ғоя тарғиботи, ёшларда ватанпарварлик, юртпарварлик, яратувчанлик кайфияти, тарбияси, умуминсоний характеристики маданиятини, фалсафий мулоҳазасини юксалтиришда мухим назарий ва амалий ахамият касб этмоқда. Ибн Синонинг ижтимоий идеал ҳақидаги борлиқга нисбатан ва тасаввурӣ қарашлари унинг “Соломон ва Ибсол”, “Тайр қиссаси”, “Тиб қонунлари” асарларида қилинади. Биз асосан мутафаккирнинг “Тайр қиссаси”нинг мазмуни, фалсафий моҳияти ҳақида фикр юритамиз. Ибн Синонинг фалсафий қиссаларидан бири бўлган бу асар илмий мукаммаллиги ва баён қилган фикрлар теранлиги билан ажralиб туради. Бу асарнинг ботиний маъноларини яхши тушуниш учун алломанинг “Ат-танбех вал-ишорат” асарида айтилган айрим мулоҳазалар билан яқиндан танишиб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Аллома асарининг еттинчи боби “Рӯҳнинг танадан ажralиши” деб аталади. Ушбу бобда Ибн Сино такидлайдики, яъни “Жаҳонда турли жонли мавжудотларнинг ҳолатларида кўрилган (ва кўриладиган) меёрдан ошиқ ҳовлиқиши, эҳтирос ва ғазабга берилиш сабабли инсонинг охиратдаги ҳаёти ҳақида нотўғри тасаввурлар пайдо бўлади. Лекин, бундай ҳолатдаги одамлар жамиятда озчиликни ташкил этади. Тангри таоло шундай сабабларга кўра ёмонлик қилиб яшовчиларни, буларнинг тақдирига шулар ёзилганлигини яхши билади ва хамда уларни вақтинча тинч қўяди. Алломанинг қайд қилишича, инсон ўзининг онги билан яхши тушиниши даркор. Асарда таъкидланадики: -Эҳтимол, сенда бундай савол туғилади. Кўпчилик одамлар жаҳолатга, эҳтиросларга ва ғазабга берилгандир. Нега бундай одамларни камчилик деб ўйлайдилар? Мутафаккир бунга жавобан инсон танаси, уч ҳил ҳолатда бўлишини билдиради. Биринчиси, ўз гўзаллиги ва соғломлиги

жихатидан энг яхши холат. Иккинчиси, гўзаллиги ва соғломлиги етишмаган холат. Учинчиси, хунуқлик ва беморлик холати. Биринчи ва иккинчи турдаги одамлар бу дунёда тўлиқ ёки қисман баҳтиёрликка ва соғломликка эришадилар”. Шундан сўнг Ибн Сино бу одамларнинг руҳи ҳам уч турли мазмунда эканлигини такидлайди: Биринчидан, ақлий, маънавий фазилатлар соҳиби бўлган инсонлар бўлиб улар олий баҳт-саодатга эришадилар. Иккинчидан, ақлли, маънавий фазилатларга эга эмас, лекин билимсизлиги унинг охиратига зарар келтирмайдиган одамлар. Булар (бошқаларга ёмонлик қилмагани учун) охиратда соғ-саломат бўладилар. Учинчидан, руҳи соғлом, учрайдиган одамлар. Булардан ўртадагилар яъни иккинчи гурух таркибига кирадиганлар яхшилик, саҳийлик қилмайдиган, ёмонлик ҳам қилмайдиганлар жамиятда қўпчиликни ташкил этади. Ибн Синонинг замондоши аллома Мухаммад Фаззолийнинг бу соҳада масалага оид фалсафий фикрлари бутунлай бошқачадир. Муаллиф “Кимиёи саодат” асарида олтин, дур, гавҳар кам учраб, қум-шағал кўп учраганидай, нодир инсонлар кам, жўн, саёз, ёмон одамлар эса кўпчиликдир деб такидлайди. Ибн Сино фалсафий қарашларда тушинтирадики, “Инсон дегани” еб тўймаслиги, очкўзлиги сабабли турли касалликлар билан жазолангани каби, инсон руҳи ҳам гуноҳлари, нуқсонлари учун (ҳар икки дунёда) жазоланади. Жумладан Ибн Синонинг “Ат-Танбех вал-ишорат” асарида айтган қуйидаги фикрлари жуда қизиқарлидир. “-Авом, илмиз одамлардан бирига насиҳат қилиб айтамизки, сиз аёллар билан қўшилишни (шахватини), ширин таомларини энг яхши лаззат деб ўйлайсиз лекин, шуни билинки, оддий шахмат ўйинида ютиб чиққан одам учун бу ғалаба аёлларга қўшилишдан ва ширин овқатдан ҳам хузурлироқдир. Аллома такидлайдики, бошқа бир одам халол яшашни ва мансаб, ҳокимиятини шаҳват ва ширин таомдан лаззатлироқ деб билади. Саҳий одамлар ҳам бирорга бир нарса совға қилсалар ҳайвоний майл-истакни қондиришдан кўра кўпроқ лаззатланадилар. Мард, олижаноб инсон ҳалоллик, ор-номусни сақлаш олдида очлик ва ташналикини арзимас нарса деб билади. Такидлаш лозимки, Ибн Синонинг ЎЗФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган “Саламон ва Ибсол” қиссаси билан Б. Шидфар тахлил қилган, шарҳлаган “Саламон ва Абсол” қиссаси ахлоқий – фалсафий ғояси жихатидан ўхшаш бўлсада сюжети ва қаҳрамонлари бир бирдан жиддий фарқ қиласиди. Тошкентдаги шарқшунослик институти нусхасида Ибсол ва Саламон акаукалар сифатида тасвирланганлар. Маликанинг исми айтилмаган. Унинг ахлоқсизлиги, жиноий қилмишлари, шахватпарастлиги ҳар икки вариантда ҳам қатъий қораланади. Лекин идеал ижобий образ – сиймо Ибсол нима учундир

Германиялик шарқшунос Б. Шидфар топган нусхада маликанинг исми Абсолга айланган. Саламон ўрнида Б. Шидфар вариантида Рум подшоҳи Германус бўлиб, булар энди ака-ука эмас, ота-ӯғил сифатида тасвирланган. Атоқли шарқшунос олим Абдусодик Ирисов асарнинг Тошкент шахридаги нусхаси ҳақида бундай ёзган эди: “Бу асар сўнгги йилларгача Ғарбу Шарқнинг файласуф олимларига маълум бўлмай келди. Файласуфлар асарни йўқолиб кетган деб ўйлардилар. Баъзи манбашунос олимлар эса Ибн Сино бу асар сюжетини ўзидан олдинроқ ўтган Хунайин ибн Исҳоқнинг юонончадан таржима қилган “Саламон ва Ибсол” қиссасидан олган деб хисоблаганлар. ЎЗФА Шарқшунослик институтида (қўлёзмалар) фондида сақланаётган бу асар чалкаш фикрларга барҳам бериб, Ибн Синонинг оригинал асари ва алломанинг қаламига мансублигини исботлади. Бу асарда ака-ука, Саламон ва Ибсол ҳақида ҳикоя қилинади. Ибсол акаси қўлида тарбияланади. Лекин уни янгаси севиб қолиб, муҳаббат изҳор қиласиди. Ибсол ўзини алоқасиз бўлиб кўринишдан қўрқиб ундан узоқроқ олиб юради. Лекин аёл унга яқинлашмоқчи бўлади, аммо мақсадига эриша олмагач Ибсолга синглисини бериб, ниятини амалга оширмоқчи бўлади. Тўй кечгаси чимилдиққа қоронғуда билдирамай, синглиси ўрнига ўзи кириб ётиб олади. Лекин Ибсол хотинининг макрини сезиб қолиб, ундан қутилиш учун урушга жўнаб кетади. Жангдан қайтгандан кейин малика Ибсолни ошпаз орқали заҳар бериб ўлдиради. Аммо маликанинг сири очилиб қолади. Натижада ундан ғазабланган Подшоҳ маликага ҳам заҳар бериб ўлдиради. Бу икки асарнинг сўнги сюжети бир бирдан жиддий фарқланади. - Ҳаётда инсон учун икки йўл бор. Биринчиси, инсонга ато қилинган ақл заковат етакчилигига маънавий юксакликларга чиқиши, иккинчиси, салбий ҳиссиётларга берилиб, ахлоқий жихатдан тубанликларга қулаш. Сенга фикрим тушунарли бўлиши учун ҳақиқатни моҳиятини билишинг учун ҳиссиётлар оламидан мисол келтираман. Бизнинг хумоюн даргоҳимизга яқин бўлишни хоҳловчи инсонлар адолатли ва оқил одамлардир. Бундай (одил ва оқил) одамлар жисмоний кучларини, бази имкониятларни тоғ чўққисидаги адолат ҳақиқат тимсоли бўлган нурга яқинлашиш учун сарфлайди. Бу одамларнинг Ушбу нурга яқинлашганлиги аломати яъни белгиси шуки, уларга табиатнинг, борлиқнинг барча сирлари очилади. Бундай холат инсоннинг маънавий юксалишидаги унинг камолотининг биринчи, қуий босқичидир. Ўзларининг самарали харакати билан маънавий камолотнинг ўртacha босқичига етишганлар осмондан тушаётган (тажаллий) оламшумул ғолиб нурни кўрадилар. Энг юқори босқичига етишганлар эса (табиат ва руҳий) оламдаги барча мавжудотларнинг моҳиятини, ҳақиқатини ва адолатини мазмунини тўлиқ била оладилар. Асарда

такидланадики, агар сен доимо хотининг айтганларингга итоат қилиб, қулоқ соладиган бўлишини истасанг, юксак интилишлардан айриласан, ҳақиқатга етиш йўлинг узоқлашади, йўл озиғинг (савоб, ҳайрли ишларинг) ҳам тугайди. Лекин, агар сен ҳақиқий эркаклардай (мард инсонлардай) ўзингга юксак ниятлар йўлини очишни истасанг, мана бу фоҳиша Абсолдан кўнгилингни узгин, у билан яқин бўлиш сенга ярашмайди. Агар мард бўлиб, ундан (شاҳват, фоҳишабозликдан) узоқлашсанг, совчи бўлиб, сенга шундай маъшуқани топиб бераманки, у сенга тоабад вафодор, содик ёр бўлгай. Асарда тасвирланишича, Саламон подишоҳ отасининг панд-насиҳатига қулоқ солмайди, севгилиси Абсолдан воз кечмайди. Маъшуқаси Саламонга “Бу ёлғон гапларга қулоқ солма, отанг сенга насиҳат ва дўқ-пўписа қилиб, ҳаёт лаззатларидан воз кечишигни ҳохлади” дейди. Аммо подишоҳ ўғли Саламон оиласининг панд насиҳатларига амал қилмай, қайсарлик қилиб севгилиси билан учрашаверади. Подишоҳ ўғлини бундай гуноҳдан қутқариш учун канизак Абсолни ўлдиришга қарор қиласди. Давлат бошлигининг қароридан огоҳ бўлган Саламон ва Абсол Мағриб тарафлардаги денгиз орқасидаги худудга қочадилар. Муаллифнинг мазкур фалсафий қиссасида аллегория – мажоз, рамзий маънолар яширинган. Файласуф тадқиқотчилар (Сайд Нафисий, Б. Шидфар, Абдусодик Ирисов) фикрича, бу асарда подишоҳ образи – Ақл тимсоли, Саламон камолот изловчи толиб – солик, йўловчи, Абсол – инсоннинг жисмоний (маълум маънода ҳайвоний) майл – истаклардир. Мағриб эса, Шарқ файласуфлари назарида – кунботар, Ақл қуёшининг ботишини, яъни сўнишини ифодалайди. Ибн Сино “Ҳайй ибн Яқзон” (“Уйғоқ ўғли Тирик”) асарида ҳам Мағриб ҳақида бундай ёзган эди: Мағрибнинг энг узоқ жойида катта ва иссиқ бир денгиз бор. Уни Тангри китобида “Айн-ул – ҳамиатан” – иссиқ чашма деб юритилади. Қуёш унинг яқинида ботади. Бу денгиз бениҳоя хароб бир мамлакатдан бошланади. Турли томонлардан мусофиirlар келиб, уни обод қилиб турадилар. У ерларни доимий қоронғулик эгаллаб туради. Мусофиirlар у ерга қуёш ботганида керак бўлади, деб бир озгина ёруғлик олиб борадилар. У ернинг тупроғи шўр бўлади. Бориб қўним бўлиб қолганлар ариқ қазиб, обод қиласдилар, бинолар қуриб қўчатлар ўтқазадилар. Бошқа бирлари иморат соладилар, кейин у бинолар қулайди, уни яна тиклашади, тағин бузилади. Ибн Синонинг бу сирли, мажозий сўзлари фалсафий тадқиқотларда етарлича изоҳ берилмаган ва шарҳини топмаган. Атоқли шарқшунос А. Ирисов ушбу холат ва мавжуд воқеаликнинг мохиятини изоҳлашга мушоҳада қилишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, асарда айтилган “Иссиқ чашма”нинг таркиби модда, материядан иборатdir. Муаллиф қуёшнинг чашма яқинида ботишини модданинг шаклга кириши яъни

бошқа шакилга айланиши деб изоҳлайди. Бизнингча, бу изоҳга аниқлик киритиш лозим. Агар “Иссиқ чашма” – модда, материянинг намоён бўлиши бўлса, унинг яқинида қуёшнинг ботиши модданинг шаклга кириши бўлолмайди. Аввало, Ибн Сино бу асарининг ушбу сюжети орқали ерда Қуёшнинг ботиши орқали қандай маънони, мақсадни кўзда тутгани аниқ эмас. Бизнингча, Қуёш, ёргулук – илм – фан, маърифатдир. Иссиқ чашма мазмунидаги келтирилган образ ўткинчи дунё ижтимоий турмуш ташвишларидир. Яъни, илм – фан қуёш ботганда ҳаёт ташвишлари оғирлашиб инсонлар онги дунёқараси қоронғулашади. “Бу денгизнинг бенихоя хароб бир мамлакатдан бошланиши” дейилиши бизнингча, муаллиф (Ибн Сино) турли таъсирларга, бериладиган, касалликларга чалинадиган жонзодлар, ижтимоий қийинчиликлар кўпайган юрт ташвишлари шу жумладан мураккабликларга дучор бўлган инсонларнинг жисми, танасини кўзда тутган бўлиши мумкин.

**Хулоса,** қилиб айтганда Ибн Синонинг фалсафий қарашларидаги мухим хусусиятлардан бири унинг инсон ҳақидаги, моҳияти, харакатлари мазмуни ва ундаги ақл маънавий дунёсининг хусусиятларини фалсафий нуқтаи назардан изоҳлаганлигидадир. Шунингдек аллома инсон тарақиётидаги мухим омиллардан бири унинг дунёвий ва диний билим олиш учун мунтазам харакати зарурлиги ҳақидаги фикирлари фуқоролик жамияти шароитида ҳам мухим аҳамиятга эгадир. Буюк файласуфнинг бу илмий хулосалари баркамол шахс тарбиясида алохида ўринга эга.

#### АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Ш.М.Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.Ўзбекистон 2017
2. Ziyodullayev, Maqsudjon Shokirjon O'G'Lи. "ABU ALI IBN SINONING "HAY IBN YAQZON" FALSAFIY QISSASINING YORITILISHI VA UNING FALSAFIY TAHLILI" Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, vol. 2, no. Special Issue 4-2, 2022, pp.
3. Jurayev, S. S. O. G. L. (2022). ABU ALI IBN SINONING INSON VA UNING MA'NAVIY KAMOLOT MASALASIGA MUNOSABATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 902-908.
4. Sagdullaeva, Y. L. (2022). The Principle of Emanation in IBN Sino's Ontology. *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 3(12), 90-92. Retrieved from <https://cajssh.centralasianstudies.org/index.php/CAJSSH/article/view/539>
5. Yuldasheva, L.S. (2024). LIFE GIVEN TO PEOPLE. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 4 (2), 678-682.